

HUQUQ

23

(390)

YURIDIK GAZETA

Iyun

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони

А.Э.НАБИЕВни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Анвар Эркинович Набиев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
3 июнь 2005 йил

И.КАРИМОВ

MUNOSABAT

МИШ-МИШГА ЭМАС, ФАКТГА ТАЯНИШ КЕРАК

ЛОНДОН УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОРИ
ШИРИН АКИНЕРНИНГ «АХБОРОТ ПЛЮС»
ДАСТУРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

— Ўзбекистонга биринчи бор ташриф буюришингиз эмас. Давлатимиз ҳақида яхши биласиз. Айтинг-чи, бу гаги сафардан мақсад нима эди?

— Биз Ўзбекистонда «Ўрта Осиёда диний экстремизм ва терроризм» мавзусида семинар ўтказишни режалаштиргандик. Ушбу тадбир НАТО раҳнамолиги остида ўтказилиши керак эди. Бироқ Лондондан Ўзбекистонга учиб келишимдан икки кун олдин Брюсселдан НАТО кенгашининг қарори асосида семинар қолдирилиши ҳақидаги хабарни олдим. Мазкур қарор сиёсий сабабларга кўра, яъни Андижон воқеалари туфайли қабул қилинганини маълум қилишди.

— Шунга қарамай сиз Ўзбекистонга ташриф буюриб, икки кун Андижонда бўлдингиз. Маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдингиз. У ердаги вазият ҳақида деглар тўла маълумотга эгасиз. Шунда ҳақиқат айтириб берсангиз?

— 13 май куни мен ҳали Лондонда эдим. ОАВларидан Андижон воқеалари ҳақидаги хабар ва интервьюларни кузата бошладим. Шахсан ўзим ҳам шу кунга қадар мазкур мавзу юзасидан тахминан 15 марта чиқиш қилдим. Аксарият хабарларда юзлаб қурбонлар ва катта фожеа ҳақида гап борарди. Буларнинг барчаси менда шубҳа уйғотгани сабабли Андижонда нима бўлаётганини тушунишга қийналдим. Аниқ фактлар йўқ эди-да. Шунинг учун Ўзбекистонга келишим билан Андижон вилоятига олиб боришларини сўрадим. Бизни вилоят ҳокимининг ўринбосари кутиб олди. Учрашувимизга қадар вилоят маъмурияти ташрифим режасидан, кимлар билан учрашмоқчи бўлганим ҳақида маълумотга эга эмасди. Шаҳарга яқинлашганимизда ҳоким ўринбосари қаерларда бўлиб, кимлар билан суҳбатлашмоқчи эканлигини сўради. Мен қамоққа олинганлар, врачлар, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳамда маҳалла оқсоқоллари ва бошқалар билан учрашмоқчилигини айтдим. Шаҳарга кирганимиздан сўнг, машина мадраса олдига тўхтади. Биринчи учрашувлар ўша ердан бошланди. Биз Андижонда тинмай ишлашга ҳаракат қилдик. У ерда 35 нафар киши билан суҳбатлашдик. Албатта бу чукчур профессионал суриштирув эмас. Лекин шунга қарамайдан Андижон воқеалари ҳақида дегларли тўлиқ тасаввурга эга бўлдим.

— 30 дан ортққ инсон билан суҳбатлашдим деддингиз. Улар воқеа гувоҳлари бўлишса керак? Мана шу инсонларнинг сўзлаб берганларидан келиб чиққан ҳолда Андижон воқеаларининг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз? Аксарият хорижий ОАВларда минглаб кишиларнинг тинч намоийши ҳақида гап борганди. Сизнинг бу борадаги фикрингиз?

— Андижон воқеаларини ёритаётган чет эл ОАВлари келтирган қурбонлар ҳақидаги рақамлар ҳақиқатдан анча узоқ. Шахсан ўзим маҳаллий қабристонларда бўлдим ва мазор маъмуриятдан янги қабрлар ҳақида маълумот олдим. Масжид имомлари билан ҳам суҳбатлашишга муяссар бўлиб, улардан сўнгги кунларда адо этилган жаноза намозлари ҳақида сўрадим.

(Давоми 4-5-бетларда).

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 2 июндаги буйруғи билан ХУСАИНОВ Алишер Абдувахобович Наманган вилоят прокурори этиб тайинланди.



Алишер Хусайнов 1955 йил Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1979 йилда ТошДўнинг ҳуқуқшунослик факультетини татомлаган. У меҳнат фаолиятини «Ўзбекқишлоқмаш» заводидан ишчиликдан бошлаган.

1979 йилда прокуратура тизимига ишга ўтиб, Тошкент шаҳар Миробод туман прокуратураси иш ўрганувчиси, терговчи, катта терговчи вазифаларида ишлаган. 1988 йилдан 1993 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар

бўйича терговчи, Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув ҳамда давлат солиқ қўмитаси идораларида суриштирувчи назорат қилиш бошқармаси прокурори, катта прокурори, бошқарма бошлигининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

Кейинчалик Андижон шаҳар прокурори, Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Бош тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари — прокуратура идораларида терговчи назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, Самарқанд вилоят прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2005-ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ



Сирдарё «йўлбарс»лари

Навоий шаҳридаги Ҳасан Назаров раҳбарлик қилаётган шарқ яққа кураш турларидан бири — каратэнинг шинкиокушинкайкан тури билан шуғулланувчи «Нурхас» клуби довуруғи мамлакатимизда кўпчиликти таниш. Ҳозирда бу клубнинг филиаллари деярли ҳамма вилоятларда ташкил қилиниб, унга аъзо бўлганлар сони ортадан ортаётти.

Гулистон шаҳрида ҳам бу шарқ кураши тури билан шуғулланадиганлар кўпчиликти ташкил этади. Шаҳар ахборот технологиялари коллежи ҳамда хорижий тиллар мактаб-интернати қошида ташкил қилинган тўғарадаги 70 нафар ўқувчи учун ушбу кураш тури сеvimли машғулотга айланган. Акмал Бобомуродов раҳбарлигидаги сирдарёлик шинкиокушинкайканчилар ҳам нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Шубҳасиз, кўллаб-қувватлашда бошқа ташкилотлар қатори вилоят прокуратураси ходимларининг ҳам хиссаси катта бўлмоқда.

Суратда: республика 7-чемпионати кумуш медал соҳиби Сўхроб ТОШҚЎЗИЕВ; вилоят терма жамоаси мураббий Акмал БОБОМУРОДОВ билан; машғулот пайти. Мухаммад КАРИМ олган суратлар

АХБОРОТ

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

1 июнь куни Олий Мажлиснинг юқори палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назорати» мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда суд-ҳуқуқ ислохотлари истиқболлари, хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назоратини ташкил этиш муаммолари, судьяларнинг роли, бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинарда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада ривожлантириш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, қарор қабул қилишда судьялар мустақиллигини таъминлаш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман ишида сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ-тартибот органларининг илмий муассасалари, олий юридик ўқув юртли вакиллари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳурматли муштарийлар!

«Huquq» газетасига
2005 йилнинг 2-ярми
учун обуна давом
этмоқда.

Индексиумиз:

«Huquq» — 231

Обуна бўлишга шошилинг!



СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ОЙЛГАЗАВТО» шўба корхонасида ўтказилган текширишда корхонага қарашли «Корасув» АЕҚШда 4 та ёқилги қуйиш ускунаси ичида қўбона ясалган платалар мавжудлиги аниқланган. Ушбу платалар ёрдамида ёқилги тарқатиш ускунаси сотилган 50 литр ёқилгини 52,3 литр қилиб кўрсатиши ва харидордан қўйилмаган 2,3 литр ёқилгига пул олиш учун шартот яратилган. АЕҚШ катта оператори Р.Бобононов, навбатчи операторлар А.Исмоилов ва М.Хўжаевларда А-76 русумли ёқилгидан 750 литр камомад ва АИ-91 ёқилгисидан 53 литр ҳамда дизел ёқилгисидан 23 литр ортиқчилиги, АЕҚШнинг 4-ускунасида мавжуд бўлган 1.689 литр АИ-91 ёқилгиси сифатсиз ҳолда сотишга чиқарилганлиги аниқланган.

Корхонага қарашли «Пионер» АЕҚШнинг 1 ва 2-сонли сигимларидаги ёқилги қуйиш ускуналари, насос орқали ўтган газ микдорини йиғинди ҳисоблаш механизминдан ўтказмай, ҳисоботларда ақ эттирмадан аҳолига сотишга мўлжалланганлиги, шаҳобча катта оператори И.Усмонов ва З.Нисёвларда 4773,2 литр суелтирилган углеводород газ камомад мавжудлиги маълум бўлган.

Шунингдек, корхонага қарашли Зангиота туманида жойлашган АЕҚШда ҳам 1390,6 кг. суелтирилган газ камомад мавжудлиги ҳамда «Зангиота» АЕҚШда Германияда ишлаб чиқарилган икхита ФАС-230 суелтирилган газ тарқатиш калонкалари (ҳисоблагичлар) ўрнатилганлиги аниқланган. Ушбу калонкалар кўрсаткичларида 1.686.301 литр суелтирилган газ қуйиб юборилганлиги ақ эттирилган бўлиб, қуйиб юборилган газ «Ойилгазавто» шўба корхонаси ходимлари томонидан юритилган ҳисоботлар бўйича сотилган газ микдори билан солиштирилганда, ҳисоблагич кўрсаткичлари 19 млн. 106,9 минг сўм, жами 117.944 литрга қўлиги аниқланган.

ОХАНГАРОН шаҳридаги «Asilbek biznes elit» МЧЖ раҳбари Шухрат Аллаберганов 2005 йилнинг апрел-май ойларида пул ўтказиш йўли билан олинган 1 млрд. 184 млн. 900 минг сўмлик харидорғир маҳсулотларни қайта сотиб, савдодан тушган 1 млрд. 174 млн. 91 минг сўм нақд пуллари банкка топширмаганлиги аниқланган.

ТИФ «Миллий банк»нинг Чуст туман филиали собиқ бошқарувчиси Ф.Абдурахмонов, филиал валюта айирбошлаш шаҳобчаси назоратчилари М.Жафаров ва Н.Яндашевлар 8 нафар фуқаронинг паспортини қўлга киритган ҳолда 2004 йил давомида уларнинг номига сохта маълумотлар расмийлаштиришган ва имзоларини қалбақлаштириш йўли билан 30.600 АҚШ долларини олишган. Кейин эса бу долларларни номмаълум фуқароларга сотиб юборишган.

Шунингдек, филиал бошқарувчисининг ўринбосари З.Абидов ва бошқалар 38 нафар фуқаронинг паспортини қўлга киритиб, 2004-2005 йил давомида улар номига сохта маълумотлар расмийлаштириш ва имзоларини қалбақлаштириш йўли билан 88.750 АҚШ долларини номмаълум фуқароларга сотиб юборишган.

ЗАНГИОТА туманида яшовчи А.Сайдазов ўз уинда спиртли ичимлик ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилганини аниқлаиб, ундан қўбона усулда тайёрланган 155 дона «Тошкент» ароғи, 873 дона ароқ конпоқлари, 71 дона елим конпоқлар, ароқ ёпиш мосламаси, қўбона фильтр далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖҚнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Мансабдор қонунни бузса...

Бирок қўштирноқ ичидаги айрим тadbиркорлар қонунга зидиш қилиб, бойлигидан ажралмоқда. Баъзи тadbиркорлар «пул билан ҳаммани ўзингга оғдириб олсанг бўлади» деган ўйда юришди. Жумладан, «Алекс Плюс Савдо-Па» хусусий фирмаси раҳбари Алексей Харламов шундай ҳаёлда юрарди. У 1.367.825.000 сўмлик тамаки ва алкоғоли ҳамда озик-овқат маҳсулотларини пул ўтказиш йўли билан олиб, савдодан тушган нақд пулни банкка топширмаган. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин дея шу йилнинг 26 майда фирма ҳисоб рақамини «Фаллабанк»нинг Юнусобод туман бўлимига кўчирган. А. Харламовнинг қилмиши фoш қилиниб, унинг устидан жиноят иши қўзғатилди.

Биз кўпчилик ноқонуний иш юритган тadbиркорлар устидан жиноят иши очамиз. Бирок, айрим ҳолларда уларга ҳомийлик қилган банк, солиқ идоралари масъуллари, туман ҳокимлари ва уларнинг муовинлари «уйин»дан четда қолаверди.

Яқинда Паркент тумани ҳокимининг ўринбосари Миртурсин Мирсаидов ва бир нечта мансабдорлар устидан жиноят иши қўзғатилди.

Тумандаги «JAD» ХСФ раҳбари Х.Абдувоҳидов ва А.Рўзиев «Фаллабанк»нинг Паркент туман бўлими мудири М. Фуломовлар ўзаро тил бириктириб «ХСФнинг жам-

гарма фонди учун банкка 10.880.000 сўм пул топширилди», дея сохта ҳужжат топширган.

Ҳоким муовини М.Мирсаидов ҳужжатларнинг сохталиги, муҳр билан тасдиқланмаганлигини била туриб улгуржи савдонини амалга ошириш учун рухсатнома берган. Оқибатда «тadbиркор» А.Рўзиев ҳамкорлари билан 48248,6 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган.

Абдурашид Хайдаров Олмалик шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари. У ҳам тadbиркор Ирина Бревненкога улгуржи савдонини амалга ошириш учун рухсатнома берган. Ирина «корхонамизнинг устав жамғармаси 13.900.000 сўмини ташкил қилади» дея алдаган эмиш. Гўё «алданган» ҳоким унинг илтимосини бажарган ва улгуржи савдо учун рухсатнома берган. И. Бревненко 28.059.700 сўмини банкка топширмаган. Бу ҳам етмаганидек, пенсия жамғармаси, йўл фонди, солиқ ва мажбурий тўловлардан бош тортган. Қонунбузар тadbиркор устидан жиноят иши қўзғатилди. Аммо, бу ишда ҳомийлик қилган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хайдаров эл олдидан нима деган одам бўлди.

Бекобод шаҳар ҳокими муовини Нуриддин Мирзақуллов ҳам юқорида

Мустақилликнинг илк кунларидан ҳукумати-миз томонидан тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қилинган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини берди. Хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил қилинди. Ислохот йилларида ялли ички маҳсулот илк бор 7,7 фоизга ўсди. Кичик бизнес корхоналари сони ўтган йилда 14 фоизга кўпайди. Бунинг боиси тadbиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун катта имкониятлар яратилганлигидадир.

номлари келтирилган мансабдорлар каби 18 та ҳўжалик юритувчи субъектга улгуржи савдонини амалга ошириш учун гувоҳнома берган. У қонуни била туриб устав жамғармасини шакллантиришга қўйилган пул маблаглари ҳақида банкдан тўлиқ маълумот олмаб, ҳужжатларга «бармоқ» босган. Нима учун деган саволга тергов жараёнида жавоб топилади.

Мансабини пул топиб манбаи деб ўйлайдиган раҳбарлар ҳақида мулоҳаза юритганимизда юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ёди-мишга келади:

«Раҳбарлик лавозими ҳақида, унинг бугунги замонда нақадар мураккаб ва оғирлиги ҳақида охириги вақтларда жуда кўп гапирамиз. Лекин минг таасуфлар бўлсин-ким, бундан кўпчилик, жумладан юқори мансабларда ўтирганлар ҳам керакли хулоса чиқариши жойларда сезилмайди. Гўёки бу лавозим, бу амал уларга ота-боболаридан мерос бўлиб қолгандек, уларни эртага ҳеч ким кулгоғидан ушлаб жавобгарликка тортмайдигандек туюлади».

И.ЛАТИБОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи

AFSUS

ХАДДИДАН ОШГАН «ДЎСТ»ЛАР

Одамда виждон бўлмаса қийин экан. Виждонсиз одам нафақат ўзини, балки оиласини ҳам надоматга қолдиради. Бунга Зокир Бойназаров ва Собир Облоқуловларнинг қисмати мисол бўла олади. Ҳар иккиси ҳам оилалик. Зокир Шаҳрисабдан, Собир эса китоблик. Улар Тошкентда топилишиди. Икки азамат пойтахтга йўл олганда «ҳалол пул ишлаб, болаларга кийим-кечак, китоб-дафтар олиб келамиз» дейишганди.

Пойтахтга келиб 4-5 сўм пул топишган, вадъдан унутишиди. Топганига ичадиган, кейин «шер»га айланиб, бузғунчилик қиладиган одат чиқаришди. Ўтган йилнинг 1 ноябр кўни уларни яшайдиган ижара уйда ҳар донимидек ичиб олган икки улфатхонадошлари У.Солиевни ухлаб ётган жойидан турғизиб, 20.000 сўмлик сумкаси ва 44.000 сўмлик кийим-кечагини тортиб олишди. Ўзини эса қўнға қайдашди.

Бу ҳам етмаганидек, Уриқзор даҳасидаги дўконга киришиб, у ердаги Г.Жўраев ва А.Хўшбековларни сабабсиз қалтаклашди. Пул ва паспортларини олиб чиқиб кетишди. Сўнгра паспортларни қайтариш эвазига 30.000 сўм талаб қилишди.

ИББ ходимларининг саъй-ҳаракати билан икки «муштумзўр» ушланди. Суд икки ҳамтовоқнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

З.ЗИЯДУЛЛАЕВ,

Учтепа туман прокуратураси терговчиси

НАМКОРЛИК



НАЗОРАТ – МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги Азизхон Носиров номли фермер ҳўжаликлари ҳудудий уюшмаси ўтган йили йиллик режани удаллай олишмади. Бунга сабаб қилиб кўп факторларни келтириш мумкин. Ёнилғи-мойлаш материалларининг вақтида етказиб берилмаганлиги, агротехника тadbирларининг ўтказилмаганлиги, ишчиларнинг моддий манфаъдорлигини таъминлашдаги узилишлар ва ҳоказо.

Ҳўш, бу йил аҳвол қандай? Ҳукумат томонидан аграр соҳани ривожлантиришга доир бир қатор тadbирларининг ишлаб чиқилгани ва бу соҳада қатъий назорат ўрнатилиши натижасида аҳвол тубдан ўзгарди. Вилоят прокуратураси томонидан юқоридаги салбий ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилди. Биргина Гулистон туманидаги Азизхон Носиров фермер ҳўжаликлари ҳудудий уюшмасида бу каби муаммолар батамом бартараф этилди. Ҳудудий уюшма низоми тасдиқлаиб, шартномалар имзоланишига эришилди. Маскур уюшма 1003 гектар ерда (517 га пахта, 496 га галла) деҳқончилик қилади.

Ўз вақтида агротехник тadbирлар ўтказилиши, банк муносабатларининг яхши йўлга қўйилгани ва мавжуд техникалардан умумли фойдаланиш муаммолар барҳам топишига олиб келди. Галла ва гўза зараркунадаларига қарши кимёвий ишлов берилди.

Натижа ёмон бўлмади. Суратда кўриб турганингиздек, галла ҳосили кўзни қувонтиради.

Мухаммад КАРИМ

Суратда: А.Носиров ДФХХУ раиси Абдурауф Исоқулов, туман прокуратури ёрдамчиси Абдували Бердимуродов, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиги Абдулла Абдумўминовлар ҳамкорликда амалга оширган тadbирлар натижасидан мамнун.

Муаллиф олган сурат

ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШИ

Сарлавҳани бундай қуйиш, эҳтимол кўпчиликка галати туюлар. Лекин биз ҳўқоқ қиладиган жиноятлар тафсилотиға айна сарлавҳадан бошқаси мос тушмас эди.

ЙИГИТ, АРОҚ ВА ЖИНОЯТ

Ақсарият ёш йигитларда хурсандчилик кунларини, дейлик, қалин дўстлар йиғилиб қолган кезларни ароқсиз тасаввур қилишолмай қолгани бор гап. Узларниқларини дўстлар санаган улфатларнинг бундай май-хўрликлари эса ҳаммиша ҳам яхшилик билан тугамаслиги ҳам сир эмас. Ачинарлиси, бундай улфатчилик оқибатида мастликни иштиёр қилган айрим йигитлар оғир жиноятларга қўл уриб қўйди. Сўнги пўшаймондан эса наф йўқ. Тошкентга келиб, «Қўйлик» бозорига сомса сотиб тирикчилик қилиб юрган наманганлик Акмалжоннинг қилмиши бунга мисол бўла олади.

Кафега кириб келган ширақайф Акмалнинг кўзи шу ерда ўтирган ҳамқишлоғи Ақромга тушди. Ҳамқишлоқлар қўришиб қолганлари «шарафига» пивохўрлик уюштиришди.

Ўзидан бир ёш кичик Акмалнинг «сен»лаб муомала қилаётгани Ақромнинг иззат-нафисига тегса-да, индамай ичкиликка зўр бериб ўтираверди. Кетиш олдидан Акмални четроққа тортиб, гаплашиб қўймоқчи бўлди. Шунда Акмал ҳамқишлоғининг бичқинига пичоқни қандай санчиб қўйди, ўзим билмайди. Қараса, Ақром қонга беланиб ерда ётибди.

Яхшиямки, хўшёр, инсон ҳаётига бефарқ бўлмаган инсонлар кўп. Оғир тан жараҳати олган Ақром шифохонага етказилди. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида унинг ҳаёти сақлаб қолинди. 24 ёшли Акмал суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Баён қиладиган иккинчи жиноят тафсилоти ҳам кўпчилик учун сабоқ бўлади деб ўйлаймиз.

Бектемир туманида яшовчи Темирли уйлари тараддуида юрган дўстлари билан бу воқеани «ювмоқчи» бўлади. Одатдагидай, ароқ йигитларини шерга айлантди.

Улфатчилик чоғида Темирли «юз йиллик» ўртоғи Мурод (исмлар ўзгартириб берилмоқда) билан гап талашиб қолади. Хуллас, улфатчилик совуққина тарқайди. Лекин оқибати бундан-да баттар бўлади.

Уйига кеч қайтган Темирлининг эндигина кўзи илинганида дарвозани тақиллашдиан, Муроднинг бақириб-чақиритишдан уйғониб кетди. Она-сига «мени уйда йўқ денг» деб тайинлаб, хонасидан қимчай ўтираверди. Бирок Мурод ҳеч қимчи назарга илмай, Темирли ётган хонанга бостириб қиради. Мушллашиб кетишади. Қариндошлар, қўни-қўшинлар ўртага тушади. Фойдаси бўлмайди. Икки оғайни узлари келишиб олар деб ўйлашган, шекилли, милиция чақиритиш ҳеч қимнинг ҳаёлига келмайди. Шу пайт қўтилмаганда, ҳақоратлар жонидан ўтган Темирли Муродни пичоқлаб қўйди. Жараҳат оғир экан, Мурод воқеа жойида вафот этди.

Пушаймонлик аламида қолган Темирли «уни ўлдириб ниятими қўй эди» дейди судда. Наҳора, ароқ ва жиноят ёнма-ён юради. Жиноят эса жазосиз қолмайди. Темирли суд ҳукми билан узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бизни бир савол ўйлантиради: айна йигит ёшида маст ҳолда жиноятга қўл уриб, жазога тортилган бу йигитлар яна ароқ ичармикан?

Ж. ИШАНҲАДЖАЕВ,

Бектемир туман прокуратураси терговчиси



РЕСПУБЛИКА БОШ

ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ФУҚАРОЛАР

МУРОЖААТЛАРИ ВА ХАТЛАР БЎЛИМИ

БОШЛИГИ

МУҚИМБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ

БИЛАН СУХБАТ



«Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмасин»

— Муқимбой Ҳасанович, ҳар кун фуқаролар турли масалаларда Бош прокуратурага мурожаат қилишади. Мурожаатларнинг таҳлили ҳақида нима-лар дея оласиз?

— Қарши бўлмасангиз, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг айрим бандларига тўхталиб ўтсам. Чунки аксарият фуқароларимиз ушбу қонундан беҳабарлиги туфайли қайси ташкилотга, қандай муаммо юзасидан мурожаат қилишни билмайди. Оқибатда овра-ю сарсон бўлиб, вақтларини йўқотишади. Базван туманларнинг ўзида ҳал бўладиган ишни республика миқёсидаги ташкилотларга олиб чиқишади. Юқоридаги қонуннинг 6-моддасида таалаблар кўрсатилган бўлиб, мурожаатда фуқаронинг фамилияси, исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилган ҳақда ариза, таклиф ва шикоятнинг моҳияти баён этилмоғи лозим.

Ёзма мурожаатлар мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқланиши, агар бунинг имконияти бўлмаса, мурожаат ёзиб берувчининг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси кўрсатиб ўтилмоғи лозим. Ана шу талабларга риоя қилинмаган мурожаат аноним ҳисобланиб, кўриб чиқилмайди.

Саволингизга келсак, Бош прокуратура номига ёзилган ҳар бир мурожаат жавобсиз қолмайди. Мурожаатлар ҳар ойда Бош прокуратура раҳбарият ва бўлимимиз томонидан таҳлил қилиб борилади.

Ўтган йилда прокуратура органларига 25.395 та мурожаат келиб тушган. Шундан 16.253 таси Бош прокуратуранинг тегишли тармоқларига ўтказилди. 9142 таси эса қуйи прокуратура органларига қонуний кўриб чиқиши учун юборилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатлар сони олдинги йилларга нисбатан кўпайган. Бунинг сабаби, жойларда муаммолар прокуратуранинг аралашувидан сўнг ижобий ҳал қилинганда деб

ўйлаймиз.

Айрим ҳокимликлар ҳамда тегишли идораларда фуқароларнинг мурожаатларига панжа орасидан қаралмоқда. Баъзи ҳолларда аризаларни қасддан кўрмаслик ҳоллари юз бермоқда. Жумладан, Шахрихон газ таъминоти корхонаси ходими А.Бакиров аҳолидан тушган 86 та аризани йўқ қилган.

— Мурожаатларнинг ҳал қилиниши ва мазмун ҳақида маълумот берсангиз.

— Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, уларнинг бузилишига қаратилган гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар устидан шикоят бериш ҳуқуқи Конституцияимизда ўз ифодасини топган. Шундай экан, ҳар бир фуқаро жамиятдаги ҳар қандай адолатсизликдан ўзини қонун йўли билан ҳимоя қилиши мумкин.

Маълумки, ишлаётган фуқаро маошини ўз вақтида олиши ва таътилга чиқиши қонунда белгилаб қўйилган. Яқинда Республика Бош прокуратурасига «Махсус

— ОАВларида тадбиркор, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқлари жойлардаги текширувчи органлар томонидан бузилаётгани ҳақида чиқишлар бўлмоқда. Шундай мазмундаги аризалар Бош прокуратурада қандай ҳал қилинапти?

— Яқинда Республика Бош прокуратурасига тошкентлик А.Ҳошимов шу йилнинг 11 май кунини Давлат Божхона қўмитасининг контрабанда ва бохжона қоидаларининг бузилишига қарши кураш бошқармаси ходими Ш.Саъдуллаев ва бошқалар «ЛС-Электроник» савдо дўконидан жуда кўп миқдордаги товарларни олиб қўйгани ҳақида мурожаат қилди. Бош прокуратура аралашувидан сўнг тадбиркор Ш.Ҳошимовнинг товарлари қайтарилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди. Яна бир мисол. Миршорқ туманидаги «Хисор» фермер хўжалиги раҳбари К.Нормухаммедов 2004 йил пахта терим пулларини Қарши шаҳридаги «Уктамбанк» ХАБ раҳбарияти бермаётгани ҳақида мурожаат қилгач, унинг талаби қондирилиб, банк бошқарувчиси А.Шукуров тегишли жавобгарликка тортилган.

— Бош прокуратурага нафақат ўзбекистон фуқароларининг, балки юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси ҳам юк-

тимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг таъқиқ меҳнат миграциялари масалалари агентлиги томонидан берилган лицензия гайриқонуний тарзда тўхтатилиб қўйилгани ҳақидаги ариза билан мурожаат қилди.

Унинг аризаси ижобий ҳал қилинди. Ёки Россия федерациясида жазо муддатини ўтаётган юрдошимиз Қувондик Отамуродов Бош прокуратурага жазонинг қолган қисмини Ўзбекистонда ўташга ёрдам сўраб ариза ёзган. Унинг аризаси кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Яна бир юрдошимиз Р.Адамбоев Кореяда меҳнат қилиб, Ўзбекистонга қайтгач, иш ҳақини ололмаётгани ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган. Бош прокуратуранинг аралашувидан сўнг унинг ишлаган ташкилотдан иш ҳақи ундириб берилди.

— Айрим фуқаро аризаси юзасидан тегишли ташкилотдан қонуний жавоб олмаб бўлса, асосиз вазилар билан кетма-кет шикоят ёзишдан қайтмайди. Аризабозликни касб қилиб олганларга қандай чора белгиланган?

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 12 ва 15-моддаларига фуқароларнинг идораларга қандай тартибда мурожаат қилиши кўрсатилган. Бироқ айрим фуқаролар тўғридан-тўғри Республика Бош прокуратураси, Олий суд, Президент девонига мурожаат қилишади. Бундай аризалар жойларга мурожаат қилинмагани учун қайтадан мутасадди идораларга жўнатилди.

Баъзи фуқаролар аризаси учун тегишли жавоб олгач ҳам шикоят ёзишдан тўхтамайди. Мисол учун фуқаро А.Клименко 200 марта, Р.Акимбоев 60 марта, Р.Фаёзов 117 марта, Б.Шамсиддинов 110 мартадан Бош прокуратуранинг бўлим ва бошқармаларига мурожаат қилган. Уларга аризалари юзасидан тегишли қарор қабул қилингани неча марта тушунтирилган. Аммо қайта мурожаат этаверишади. Ахир, бу билан улар сабабсиз давлат идоралари ходимларининг вақтини ўғирлашмоқда.

Базван биргина шикоятни ўрганиш учун қанча вақт кетиши, давлатнинг қанча маблағи сарф

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳақда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради...

(Ўзбекистон Республикасининг прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасидан)

бўлишини айрим ариза ёзишни касб қилган кимсалар ҳис қилишмайпти.

— Муқимбой Ҳасанович, айрим туманларда «ёзувчи»ликни касб қилиб, ушбу «касби» туфайли тирикчилик қиладиган кимсалар бор. Шундайлар ҳақида таҳриратимиз ҳам бир қанча чиқишлар қилганми. Бироқ...

— Жойларда «ёзувчи»лардан зада бўлган айрим раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, «уларга худо бас келмаса, бандаси бас келмайди» дейишади. Ҳақиқатни талаб қилиб ёзишса бош устига. Биз имкон қадар ёрдам берамиз. Лекин эл-юрт манфаати йўлида ишлаётган, ҳалол, пок одам устидан «юма-лок» хат ёзган аризачи қонун олдида жавоб беради.

Сўзимиз кўрүк бўлмаслиги учун битта мисол келтирсам. Ҳамза туманида яшовчи А.Ризомухаммедов тумандаги «Янгилик» кўчасида жойлашган чойхона раҳбари устидан ИИББ, суд, шаҳар ҳокимияти, прокуратурага бир неча марта ариза билан мурожаат қилган. Бироқ ҳар сафар шикоятдаги вазилар тасдиқланмаган. «ёзувчи» эса ижоддан тўхтамапти. Яқинда туман суди А.Ризомухаммедовни МЖТКнинг 40-моддаси билан жавобгарликка тортиди.

— Ҳар кун ишни фуқароларнинг дардини тинглашдан бошлайсиз? Шу даъво ҳаёли-ғизда нима-лар кечади?

— Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқимаган ўзбек бўлмас керак. Унда Юсуфбек Хожининг бир сўзи бор: «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмасин». Бизнинг меҳнатимизнинг мазмуну ҳам шу.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди

Суратлари:
1. Бўлим бошлиғи М.Эгамбердиев, бошлиқ ўринбосари М.Қамбаров, бўлим прокурори Ш.Қаҳқоров ва Фарғона вилояти прокурорининг ёрдамчиси Р.Абдурахимовлар фуқароларнинг мурожаатларини муҳокама қилишмоқда.
2. Бўлим прокурори Ш.Қаҳқоров, Ички ишлар органларида қонуний ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори Р.Жабборбеков фуқаро М.Мирсаидовни қабул қилишмоқда.



қотишма»лар ташкилотининг бир гуруҳ ишчилари маошларини ўз вақтида ололмаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. Аризада кўрсатилган талаблар қаноатлантирилиб, ишчилар 228.700.000 сўмлик маошини олишди. Қонунбузарликка йўл қўйган шахслар тегишли жавобгарликка тортилди. Бу прокуратура амалга ошираётган кўплай ишларга битта мисол, холос.

латилган. Тўғрими?
— Тўғри. Мустақилликдан сўнг юртимиз дарвозалари ҳаши ниёятли хорижликлар учун очилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг инвестиция олиб келишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Яқинда Саудий Арабистони фуқароси Муҳаммад Шокир Туркистоний меҳнат ва аҳолини иж-

Бизни танлаган йўлимиздан

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шўхратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам. Фақат бунинг учун, аввало, инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак.

Ислом КАРИМОВ

Халқ енгилмас кучдир

Юртимизда истиқлол кўеши порлаганига ҳадемай 14 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида серқуёш Ўзбекистонимизда жуда катта ўзгаришлар, фан-техника, маданият, маънавиятда юксалишлар бўлди. Ана шу бахтимизни, яхши кўналимизни кўролмаётган бир гуруҳ қора ниятли кимсалар эл бошига қора кўнарни солишга уринишяпти.

Андижон вилоятида бўлиб ўтган воқеалар ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Тинчгина яшаб, умргузаронлик қилаётган одамлар бошига қулфатлар ёғдириши. Неча-неча бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлишди.

Мен узоқ йиллар прокуратура тизимида фаолият кўрсатганман. Иккинчи жаҳон урушида Берлинни ишғол қилишгача бўлдим. Номи ўқсин урушининг. Қора кўналар ортда қолди. Кўнгли пахтасидай оқ, толеи олтиндай ярқирок ўзбек халқи ҳамиша ҳалол меҳнат қилиб бутун оламга эзгулик истаб келган. Зеро, бир ҳовуч террорчиларнинг пана-пасқамда тўзатган қора режалари ҳеч қачон амалга ошмайди.

Бутун жаҳон халқлари тинчлики, озодлики, эзгулики истади.

Халқ енгилмас куч эканлигига шубҳа йўқ!

Салим ҲАМРОЕВ,
прокуратура фахрийси



(Давоми. Бошланғичи I-бетда).

Бундан ташқари маҳалла оқсоқоллари ва маҳаллий аҳоли билан учрашувларимдан келиб чиққан ҳолда қурбонлар сони тахминан 170 га яқинлигини айтишим мумкин. Мен воқеа қурбонлари келтирилган асосий шифохонада ҳам бўлиб, у ердаги врачлар билан ҳам гаплашдим. У ердаги моргда бўлдим. Бироз кеч келганимиз сабабли морг ходимлари йўқ экан. Лекин шунга қарамастан бинони кўздан кечирдим. Биласизми, кичкинагина морг биносига матбуотда келтирилган қурбонларни сиғдиришнинг ҳеч иложи йўқ. Мен терговчи эмасман, лекин шунга қарамай, сўраб билган маълумотларимга қараганда яна қайтариб айтманки, қурбонлар сони 170 га яқин. Ундан кўпроқ бўлиши мумкин эмас.

— *Бир неча кун давомида хориж оммавий ахборот воситалари Андижон воқеаларини зўр бериб ёритишди. Бироқ ҳозирги кунга қаюв олиб борилаётган тезкор тергов тадбирларидан шу нарса аён бўляптики, хорижлик ҳамкасбларимизнинг ақсарияти мазкур ҳолатни бўрттириб ва ҳақиқатдан узоқлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилишган. Нима деб ўйлайсиз, чет эл журналлари қандай мақсадларни кўзлаб шундай қилишган?*

— Бу нарсанинг сабабини айтиш қийин. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, жинойий гуруҳ Андижондаги қўпуровчилик ҳаракатларига узоқ вақт давомида жуда пухта тайёргарлик кўрган. Иккинчидан, жинойий гуруҳ аъзолари тажрибали жангарилар бўлиб, улар ҳаракатларини аниқ режа остида амалга оширишган. Мен бу ҳақда мутахассислар билан гаплашдим. Ҳатто ўша кунги вазиятни тўлағича кўз олдимга келтириш учун уларга воқеа схемаларини ҳам чиздириб кўрдим.

Шундан сўнггина Андижондаги хуруж аҳолининг оддий вакиллари ёки тинч намоён аъзолари эмас, тажрибали жангарилар амалга оширганга ишонч ҳосил қилдим. Қуролланган жинойятчилар халқни кўтаришга ҳаракат қилишди. Улар бу қилмишларини жума кунга режалаштирганликларининг сабаби ҳам менимча шунда. Яъни, жума намозига борган оммани орқаларидан эргаштиришга ҳаракат қилишган. Лекин бундай бўлмади. Бу воқеаларда тинч аҳоли-

бўлди. Аслида барча вайронагарчиликларни жинойий гуруҳ аъзолари амалга оширишган.

— *Юқорида жазони ўташ жойларида бўлиб, қўлга олинганлар билан суҳбатлашимиз дедиңиз. Ҳозирги пайтда ушбу жинойий ҳолатни ўрганиш ва унинг туб сабабларини аниқлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаётган. Қўлга олинганлар билан суҳбатингиздан сўнг, ушбу воқеаларнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?*

нинг иштирокини тўғри талқин қилиш керак. Мен ўша кунги воқеаларда майдонда бўлганлардан, ҳатто ўша ерда бўлган инсон ҳуқуқлари ҳимояси ташкилотининг ходими билан суҳбатлашганимда бир хил жавоб олдим. Майдонга йиғилган аҳоли ҳукуматга қарши ҳеч қандай даъво ва талаблар билан чиқмаган. Улар нималар бўлаётганига қизиқиб майдонга йиғилишган, холос. Майдонга чиққанларни воқеани кузатишга қизиққан оддий томошабинлар деб айтсак тўғри бўлади.

Жангарилар ҳокимият биносини эгаллаб олиш билан бирга театрни ва кўчадаги бир нечта автомобилларни ёқиб юборишган. Менимча, бу билан улар журналистларга ўзига хос «спектакл» яратиб беришган. Яъни, бу ҳолатни кўрган ва суратга олган журналистларда, гўёки, Ўзбекистонда ҳужуқ-тартибот ҳодимлари жангарилар ва тинч аҳолига қарши ўт очиб, кўчаларда вайронагарчиликлар келтирганини кўрсатишларига имкон

— Қамоққа олинганлар билан бўлган учрашувим жуда муҳим аҳамият касб этди. Очиги, улар билан суҳбатлашшга муассар бўламан деб ўйламагандим. Яна бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, қамоққа олинганларга менга нималар ҳақида гапиришлари тўғрисида олдиндан кўрсатма берилмаган. Юқорида айтганимдай у ерга боришимга имкон бўлишини ҳатто ўзим ҳам кутмаган эдим. Вазиятга тўғри баҳо бериш учун қамоқдан олиб чиқиб кетилганларнинг ихтиёрий равишда у ерга қайтиб келганликларининг ўзи етарли ҳолат. Мен 20 йил муддатга озоликдан маҳрум қилинган маҳбус билан гаплашдим. У жазо муддатининг энди икки йилни ўтаганини айтди. Қўриб турганингиздай муддатнинг асосий қисми олдинда бўлишига қарамай, жазони ўташ жойига қайтиб келган. Унинг айтишича, қамоқхонадаги муҳит у даражада ёмон бўлмагани сабабли жазони қолган қисмини ўтагани яши.

Маҳбۇсларнинг ҳикоя қили-

Ҳар кимки

Дунё ОАВларининг нигоҳи Ўзбекистонга, Андижонга қаратилган. Дўсту ҳамкорлар дардимизга шериқ бўлмоқда. Ғаламис кимсалар эса ҳамон фисқу фасод гаплари тарқатиб юрибди. Эзгулик ҳамиша жаҳолат устидан ғалаба қилган.

Бош прокуратуранинг матбуот хизмати берган сўнгги хабарларда шундай дейилади: «Террористик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 173 кишига етди. Уч нафар ҳуқуқ-тарти-

бот ходими касалхонада вафот этди».

Террорчиларнинг ёвузликлари туфайли қанчалаб инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Қанчалаб оилалар жигаргўшаларидан айрилди.

Ортбошимизнинг оғир кўнларда андижонликлар ёнида бўлиб, уларга ҳамдард, ҳамфир бўлиши муаммони ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳар кун «Ахборот» кўрсатувида

Иймон-эътиқодли халқимиз

Қасб тақозоси билан Ромитанда содир этилган портлашлар оқибатларини ўрганишга тўғри келган. Яхшиямки, разолат уюсига айланган ҳовли худонинг инояти билан култепага айланибди. Йўқса, қанча-қанча бегуноҳ жонларнинг гулдэк умри ҳазонга айланган, тинч турмушимиз бемаврид тахликага тушган бўларди.

Воқеа жойида сақланиб қолган ўқотар қуроллар, турли кўринишдаги қўлбола портлагич мосламалар инсон ҳаётига тажовуз эканлигини ўйласак, бу манфур кимсаларнинг асл башарасини таниб оламиз. Лекин, ёмон ниятликларнинг юзи ҳеч қачон ёруғ бўлмайди.

Андижондан кўп бор туз ичганимиз. Бу заминнинг камсуқум ва камтарин инсонларидан фақат меҳр-садоқат кўрганимиз. Шу боис, бу тупроқда юз берган ноҳушлик бизнинг ҳам фожеамиздир.

Умуман ноҳақ қон тўкилишида масофанинг фарқи йўқ. Шундай экан, бир ёқадан бosh чиқариб, имон-эътиқодли халқимиз нималарга қодир эканлигини ҳам ҳаёлларда юрган ганимларга кўрсатиб қўйшимиз лозим. Токи, ёвузлик уругини экомқчи бўлганлар пушаймонда қолсин!

Шухрат НАСРУЛЛАЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

шича, ўша кун қамоқхонага кириб келган жангарилар аввал «Оллоҳ ақбар» ва «Жиход» каби иборалар билан бақира бошлашган. Лекин бироз вақт ўтиб дин ҳақида ва у билан боғлиқ ҳеч қандай гап бўлмаган. Аксинча, кейинроқ улар ҳокимият биносини эгаллаб олишганида ҳатто у ердаги жавонда турган Қуръонни ёқиб юборишган. Уйлашимча, жангарилар қамоқхонага кирган пайтларида диний оқимлар тарафдорларини ўзларига эргаштириш учун юқоридаги жумла-

шилар билан суҳбатлашганимда жангарилар томонидан амалга оширилган даҳшатли нарсаларни тасвирлаб беришди. Масалан, жангарилардан бири гаровга олинган бир шахсининг аввал икки юборини кесиб олиб, кейин отиб ташлаган. Яна бир кишининг кўзини ўйиб, кейин отишган. Менга буларни гаровга олинганлардан бири айтиб берди. Уларнинг ақсарияти бу нарсаларни ўз кўзлари билан кўрганлиги сабабли ҳали ҳам шок ҳолатидалар. Рўҳий жаро-

МИШ-МИШГА ЭМАС,

ЛОНДОН УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОРИ ШИРИН АКИНЕРНИНГ
«АХБОРОТ ПЛЮС» ДАСТУРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

ларни ишлатишган. Бу билан ўзларини мазкур оқимлар вакиллари тарафларида эканликларини намоён қилиб, уларнинг кучларидан фойдаланмоқчи бўлишган.

Андижондаги воқеаларнинг иккинчи сабаби сифатида у ердаги иқтисодий қийинчилик ҳақида ҳам гапириляпти. Бироқ бу борада ҳам ўз кузатишларимга таянган ҳолда бир нарсани таъкидлашим мумкин. Мен бу ҳақда Андижон аҳолисининг вакиллари билан суҳбатлашдим. Маҳаллий бозорларда бўлиб нарх-наваларни ўргандим. Назаримда Андижондаги иқтисодий аҳволни ёмон деб бўлмайди.

— *Андижондаги воқеаларни амалга оширган жангарилар ҳокимият биносини эгаллаш билан бирга тинч аҳоли вакиллари заровга ҳам олишган. Сиз заровга олинганлар билан ҳам суҳбатда бўлгансиз. Улар нималарни айтиб беришди?*

— Гаровга олинган баъзи ки-

ҳатлари ҳали кетмаган.

— *Нима деб ўйлайсиз, Андижонда рўй берган воқеалар жорий йилда Қирғизистонда юз берган воқеалар билан боғлиқми?*

— Биласизми, жангариларнинг ўзаро сўзлашганини эшитган гувоҳларнинг айтишича, жиноятчиларнинг шевасига кўра улар орасида андижонликлар, бухороликлар ва ҳатто тошкентликлар ҳам бўлишган. Бироқ уларнинг орасида кўпроқ қирғизлар шевасида сўзлашганлар бўлган экан. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур хуружга Қирғизистон ҳудудида тайёргарлик кўрилган. Шундан сўнг Ўзбекистонга кириб келиб, бу ишлар амалга оширилган.

— *Сизнингча мана шу пухта тайёрланган хуружда экстремистик ташкилотларнинг элементлари қай даражада ўз ақсини топган ва умуман ушбу ҳаракатлар ортида кимлар турибди?*

— Бу саволга аниқ жавоб бе-

ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ!

ЁМОН БЎЛСА...

адашганларнинг тавба-тазаррулари берилмоқда. Уларнинг қилмишидан нафақат ўзлари, ота-оналари, балки барча хулоса чиқариши лозим. «Ниқуқ» газетасининг 1 июн сонида семимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг «Яхши киши кўрмайди ёмонлик ҳаргиз» мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Ҳаётнинг аниқ-чучугини кўрган инсонларнинг босиқлик билан, ҳиссиётларга берилмай ёзган мақолаларининг тарбиявий аҳамияти бе-

қийс.

Яқинда туманимиздаги энгил саноат ва қишлоқ хўжалиги коллежид бўлиб, терроризмнинг фожеалари ҳақида сўзлаб бердик.

Ҳукуматимиз Андижон воқеаларининг салбий оқибатларини тугатишнинг барча чора-тадбирларини кўрмоқда. Аммо бевақт кетган бегуноҳ инсонлар руҳи бизни доимо хушёрликка ундаши муқаррар.

Рустам ОТАЖОНОВ,
Тўртқул туман прокурори



ВАТАН ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Саховат ҳам, донишлик ҳам бахил кимсаларнинг юрагини куйдирар экан-да. Шу замин дастурхонидан нон-туз еб, эзгуликларидан баҳраманд бўла туриб, бирор хато қилишингни кутиб яшаётган нонкўр ганимлар шунчалик шафқатсизликка боришди-ми?

Водий туғилган юртим бўлгани учун Андижонда юз берган кўнгилсизликлардан тинчимни йўқотдим. Нималар бўлаёпти ўзи? Нега бегуноҳ кишилар жабр кўриши керак?

Баъзи нуқсонларни рўқач қилиб, қабих мақсадларига эришмоқчи бўлган ганимлар нархотки секин-аста оёққа туриб олаётган юртимизда юз бераётган ўзгаришларни кўрмаётган бўлса? Сиз бунга қандай қарайсиз, азиз андижонликлар? Изига тушиб бораётган турмушимизга кўз тегдими?

Маҳалла-қўй, оқсоқоллар аҳиллигини одат қилишса, ёшларимизни қанотларига олиб, назоратсиз қолдиришмаса, ким ҳам йўлимизни кесиб ўтишга журъат қила олади? Кўзни каттароқ очиб, жўяли қилга юритайлик, яхши-ёмонни ажратиб, иш юритадиган фурсат етди чамамда. Юртинг бир дилбанди неча йилда улғайиб воёга етади!

Ватан тақдирини бугун бизнинг теран хулосаларингизга боғлиқ. Андишанинг отини кўрқок билган ганимларга мурасосиз бўлайлик. Сирдарёликлар ҳам бугун сиз билан эканлигини ҳис этишингизни истайман.

Маматқул ФОЗИЛОВ,
Нарпай туман прокурори

Комилжон УМАРОВ,
меҳнат фахрийси

Қалқонларнинг беҳисоб, Ватан!

Чўлда ўрмалаб юрган жонивор ҳам, ҳавода учган қуш ҳам, ўз ошёнини ҳис этади ва ўз уясини муҳофаза қилади. Шундай экан, таҳликали дақиқада ватанга қалқон бўлишдан бошқа бирор хаёлга борган кишини озод давлатнинг озод фуқаросидан дейишга ҳаққи йўқ.

Туманимизда 140 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу йил туманимиз пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича режа ва мажбуриятларни вилоятда биринчилардан бўлиб ўдалашди. Айни пайтда галлани тез ва сифатли йиғиб олиш тараддуидамиз. Ёзу парваришида ҳам узилишлар юз бераётгани йўқ. Чинакам меҳнат эвазига бу йил ҳам галла ва пахта ҳосилини биринчи-

лардан бўлиб ўдалаб, деҳқонларимиз ўз турмушини моддий жиҳатдан тиклаб олишад.

Ватан остонадан бошланади. Шу боис, тумандаги ҳар бир оила муҳити, фарзандлар тарбияси юзасидан суҳбатлар ўтказилиб турилади. Маҳалла ва кўча-қўйда бирор юмушнинг бошини тутмай, бекорчи юрган ўспирин ёшлар учраб қолса, қишлоқ оқсоқоллари назоратига олинади. Йигинларда, турли учрашув, савол-жавоб кечаларида бундайларга танбёх берилиб, тартибга олинади. Бизни қувонтирган, айни пайтда воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик кескин камайишига эришилмоқда.

Андижонда юз берган хунрезликлар барча тинчликсевар халқлар қатори туманимиз меҳнат аҳлини ҳам ташвишга солди. Негаки, андижонликлар бошига тушган фожеа бизнинг ҳам фожеамиздир. Ватанимизнинг бирор ерида орзу ниятли фуқароларимиз беҳаловат бўлса, осуда кунларимиз татирмикан?

Ганимларнинг ногорасига ўйнаб, тинч кунимизга раҳна солмоқчи бўлган кимсалар ниятига етолмайди. Чунки жонкуяр юртбошиси атрофида бирлашиб, ўз тараққиёт йўли сари олга интилаётган халқ ҳеч қачон орқага қайтмайди.

Маматқул ФОЗИЛОВ,
Нарпай туман прокурори

риш қийин. Менда бу ҳақда аниқ исбот ва фактлар йўқ. Бу ҳақда гапирётганда ҳар бир сўзни эҳтиёткорлик билан ишлатиш шарт. Бирок ушбу жиноятлар ортда ташқи кучлар ва катта маблағ ётганини назардан четда қолдириш керак эмас. Мазкур ҳолат юзасидан олиб борган кузатувларимдан келиб чиқиб айтаманки, бу ишларда ташқи кучларнинг иштироки бор.

— *Авал таъкидлаганимдек, жангарилар халқ уларнинг*

узокда. Бу жиҳат ўзбек халқининг Андижон воқеаларига бўлган муносабатини билиш учун жуда ўринли. Жиззахда инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси билан суҳбатлашганимда қизиқ ҳолатга дуч келдим. Улар журналистларга ахборот бераётиб, баъзида аниқ фактларга эмас, балки халқдан эшитган миш-мишларга таянишди. Назаримда уларнинг кўпчилиги бу хатонинг оқибатларини яхши тушуниб етишмайди. Бундай хабарларни олиб оммага узатаётган журна-

ллар ва Ироқда ҳам қонли тўқнашувлар бўлаётган эди. Бирок чет эл журналистларининг асосий эътибори ва информация кампанияси Ўзбекистонга қаратилди. Менимча бу адолатдан эмас. Шу нарсдан ранжидим. Лондонга қайтганимдан сўнг йиғилган маълумотлар асосида Андижон воқеалари юзасидан тўлиқ ҳисобот тайёрлаб, Англия ташқи ишлар вазиригига ва НАТО кенгашига ҳамда мазкур масала билан қизиққан ташкилотларга юбораман. Ан-

стонда ва Ироқда ҳам қонли тўқнашувлар бўлаётган эди. Бирок чет эл журналистларининг асосий эътибори ва информация кампанияси Ўзбекистонга қаратилди. Менимча бу адолатдан эмас. Шу нарсдан ранжидим. Лондонга қайтганимдан сўнг йиғилган маълумотлар асосида Андижон воқеалари юзасидан тўлиқ ҳисобот тайёрлаб, Англия ташқи ишлар вазиригига ва НАТО кенгашига ҳамда мазкур масала билан қизиққан ташкилотларга юбораман. Ан-

қан ҳолда тайёрлайман.

— *Ақинер хоним сиз Ўзбекистон билан яхши танишсиз, мамлакатимизга ҳам тез-тез келиб турсиз. Ўзбекистонда сўнги йилларда демократик, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларга объектив баҳо бера olasiz. Айтингчи, ушбу ислохотлар ўзбек халқига нималар берди?*

— Ўзбекистонга 25 йилдан ортиқ вақт мобайнида тез-тез ташриф буюраман. Шундан келиб

чиқиб айтиш керак бўлса, мамлакатимизга қанчалик кўп келсам, у

ФАКТГА ТАЯНИШ КЕРАК

орқасидан боришига умид қилишган. Лекин ундай бўлмади. Нима деб ўйлайсиз, нега андижонликлар жангарилар эргашмади?

— Биринчи, асосий сабаб, халқ ёмон яшаётгани йўқ. Иккинчидан, халқ жиний гуруҳга эргашиб кўзғолон кўтарган тақдирда ҳам ҳаёти янада яхшиланишига ишонмайди. Учинчидан эса, ўзбек халқи бу қабил ҳаракатларнинг ҳеч замонда яхшиликка олиб келмаслигини тўлиқ англай олади. Жангарилар ҳарбий тарафдан бу хуружга пухта тайёрланган бўлса-да, лекин назаримда маҳаллий аҳолини яхши билмаган. Маҳаллий аҳолининг менталитети ва ҳудуддаги аҳолини билмаганликлари сабабли ҳам халқ уларга эргашиши ҳақида янглишишган.

— *Ақинер хоним мазкур таърифиқиз давомида Андижондан ташқари яна қайси вилоятларда бўлдингиз?*

— Вақтим кам бўлишига қарамадан Жиззах шаҳрида бўлишга ҳам улғурдим. Нега айнан Жиззахда десангиз, бу шаҳар пойтахтдан ҳам ва мазкур воқеалар юз берган Андижондан ҳам

листрлар эса ушбу маълумотларни гўё фактдай ёритишади. Бу эса ўта муҳим масала. Яна бир жиддий муаммо, инсон ҳуқуқлари ҳимоячларининг баъзилари информация учун пул олишга одатланиб қолишган. Қайтариб айтаман баъзилари... Бу ерда шундай муаммо келиб чиқадики, улар Ўзбекистондаги аҳолини қанчалик ёмон кўрсатиб, маълумот беришса, шунчалик кўп пул олишади. Ачинарли тарафи мана шу шахслар ўртасида кечаётган ушбу жараён ўзига хос бизнесга айланаётганидир. Қайтариб айтаман, бу жуда қалтис масала. Ушбу муҳим жараённинг муаммоларини бартараф этиш учун эса Ўзбекистонда туриб ёлгон маълумотларни тарқатаётган кишиларга ушбу амалларнинг салбий оқибатлари ҳақида чуқурроқ тушунтиришлар берилиши керак. Умуман улар билан мазкур масала юзасидан кўпроқ иш олиб бориш даркор.

— *Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистонни юқорида келтирилган қиёфада намойиш этишдан кимлар манфаатдор?*

— Аввал таъкидлаганимдек, бу жараёнда ташқи кучларнинг

да зиддиятларга ёки уларнинг авж олишига туртки берилса, унинг оқибатлари дахшатли бўлиши аниқ. Вужудга келиши мумкин бўлган ушбу дахшатли ҳолатни татто ўша ташқи кучлар ҳам бартараф эти олмайдилар. Улар ўзлари тушунмаган ҳолда «олов» билан ўйнашишпти.

— *Қўлингиздаги объектив маълумотлар асосида мазкур воқеалар юзасидан деярли тўла тасаввурга эгасиз. Лондонга қайтганингиздан кейин ушбу масала оид режасарингиз қандай?*

— 13 майдан бошлаб деярли бир ҳафта давомида аксарият оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонга қарши информация кампанияси авж олди. Хориж информация дастурларининг барчаси Андижон воқеалари билан боғлиқ хабарлар билан бошланарди. Мазкур воқеалар асосий мавзуга айланганди. Хабарлар Андижонда юзлаб тинч аҳоли қурбон бўлди, деган иборалар билан бериларди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ушбу исботсиз ахборотларни тарқатаётган мамлакатлардан анча узокда жойлашган. Демокчи бўлганим, Конгода, Афғони-

диджондаги аҳвол тинчлангани, бу албатта авваломбор сизларга яхши. Бизнинг халқимиз эса бу воқеаларни унутиб юборган деб айтишим мумкин. Андижон воқеаси дунёда содир бўлаётган бошқа шунга ўхшашлари сингари ўтиб кетди. Бошқачароқ айтганда, қарвон ўтди, ҳаёт эса давом этаверади. Бирок сиёсий кураш давом этмоқда. Назаримда бу ўзига хос катта сиёсий ўйинга ўхшайди. Агар ҳукумат раҳбарлари тўлиқ ахборотга эга бўлмасалар ёки оммавий ахборот воситаларининг юқорида айтиб ўтилган хабарларига таяниш иш кўришса, бу барча учун ёмон оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаби ушбу ахборотларга мурожаат қилган ёки ишонган ҳукумат раҳбарлари янглиш хулосалар чиқариб, нотўғри қарорларни қабул қилиши мумкин. Шу сабабли ҳам барча кўриб билганларимни ёзиб, ҳисобот тайёрлашни ўз бурчим деб биламан. Яна қайтариб айтаманки, мен профессионал суриштирувчи эмасман. Оддий инсон ва шу минтақа ҳақида маълумотга эга шахс сифатида хулосалар чиқардим. Ҳисоботни ҳам шу позициядан келиб чиқ-

ҳақда шунчалик кам билишини тушунаяман. Балки икки-уч марта ташриф буюганимда мен Ўзбекистон ҳақида барча нарсаларни биламан деб айтишим мумкин эди. Қолаверса, киши бирор мамлакатга қанчалик кўп ташриф буюрмасин, ушбу мамлакат ҳақида ҳамма маълумотга эга бўлиши мумкин эмас. У фақатгина умумий тасаввурга эга бўлади. Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам сўнги йилларда катта ўзгаришлар юз берди. Бу жуда мушкул жараён. Муаммолар бор ва кейин ҳам бўлади. Агар Буюк Британиянинг тарихига назар солидиган бўлсам, биз 100 йилдан кўпроқ вақт мобайнида нафақат демократияни балки капитализмни ҳам кўрдик. Бу жуда оғриқли жараён. Мамлакатингиздаги баъзи муаммоларнинг маъжудлиги ҳайрон бўладиган ҳолат эмас. Асосий жиҳат ушбу муаммоларнинг ечимини топиши хоҳлайди. Бу жараён ҳаракатга тушган, шунинг ўзи сизларнинг ютугингиздир. Мустақил давлат учун 10-15 йил бу ҳали унчалик катта давр эмас.

QILMISH-QIDIRMISH



Жўҳориша тўқилган қон

— Бугун бошқа ишим йўқ экан, — деди Абдулхамид чойнак-пиёла ювиб ўтирган хотини Кумушхонга, — анави жўхорини йўл бўйига ёйиб, янчиб келаёлайти. Машина кўп, кечгача янчиблиб кетади. Қишда бола-чака билан маза қилиб гўжа ош ичмаиз.

— Бугун шартми, бошқа кунни янчиғарсиз, — деди хотини неғадир кўнгли чопмай, — ҳаво ҳам айниб турибди.

Абдулхамид хотинининг гапира парвоқилмай, пешайвондаги жўхори бошларини қолга сола бошлади. Кейин аравага ортиб Фарғона-Қўжон автомобил йўлига чиқди. Неғадир кўнгли гашиланган хотини бирга бормоқчи ҳам бўлди, лекин уйдаги ишларни ўйлаб иложсиз қолди.

— Жўхорини йўлга ёйиб қайтиб келинг, — деди эрининг ортидан аёл, — кейинроқ болалар йиғиштириб келишар.

Абдулхамид аравадаги қопларни тушириб, жўхори бошларини машина йўлига тўшай бошлади. Бу ишни тугаллабган ҳам эдики, жияни билан кўшниси чиқиб қолди. Бирга гурунглашиб, машиналар босиб ўтаётган жўхори бошларига қараб ўтиришди.

— Шу болаларнинг чиқиси бежода, — дед дебозовтаниб кўйди Абдулхамид уч-тўрт ховли наридаги уйдан чиқиб келаётган ака-укани кўриб. У анчадан бери улар билан чиқишолмас эди. Арзимас нарсалар учун ҳам жанжал қилаверишарди.

Ака-ука — Равшан ва Шўхрат Нортोजиевлар тўғри Абдулхамиднинг тепасига келишди. Олдидан келган Равшан унга ўдағайлади:

— Кеча ўнгилик биз томондан ўтибди, яна ўтса...

Ўли тенги боланинг сөнлаб гапирishi Абдулхамиднинг кўнглига оғир ботди. Ёнида ўтирганлардан ҳижолат тортиди. Аччиғи чиқиб, ўрнидан турди.

— Кимни сўжаяпсан?! — Равшаннинг «попугини» пасайтириб қўйиш учун ёқасидан тутди. Шу маҳал Шўхрат Абдулхамидга мушт туширди. Бундай бўлишини кутмаган Абдулхамид гангиб қолди, кейин Равшанни қўйиб Шўхратта ташланди. Муштига яраша «жавоб» олган Шўхрат сўжинганча қочиб қолди. Равшан эса уйи томонга югурди. Ҳаял ўтмай яна бақир-чақир билан чиқди. Энди улар кўплаган кетмон кўтарган онаси, сингиллари, укалари билан боситириб келишарди. Абдулхамид қочини ўзига ор деб билиб, йўл четига тураверди. Ака-ука, сингиллар келиб унга ташланишди. Кетмон кўтарган она эса фарзандларини тартибга чақириб ўрнига уларга бош бўлди. Қўлдаги кетмон билан Абдулхамиднинг елкасига урди. Абдулхамидни жанжалкаш оила чангалидан кўчқариб олиш кўни-қўшнларнинг ҳам қўлидан келмади. Оиласига «ёрдам»га келган Баҳодир «ўлдирман» деганча Абдулхамидга ташланди. Кўксига ботган пичоқ Абдулхамидни қулатди. Баҳодир унинг кўксига санчган пичонини суғуриб олиб, уйи томонга қочди...

Абдулхамид шифохонада вафот этди. Ўзравон қотил Баҳодир Нортोजиев шифохонага ҳам етиб борди. Ғам-ташвишда турган Абдулхамиднинг яқинларига:

— Зотингни ўлдирман! — деганича ховлиқмалик қилди. Кейин мудрих хато қилиб қўйганини сезгач, аттан қилди, кўз ёш тўқди. Энди бари беҳуда. Ахир у инсон умрига завол бўлди. Оиласидагилар «чи?! Болаларини ёмон йўлдан қайтариб ўрнига уларга қўшилиб, кетмон кўтарган онани ким деб аташ мумкин?

Суд ўз ҳукмини ўқиди. Ўйланмай қилинган иш қимматга тушди...

К.ЗОХИДОВ,
Риштон туман прокурори

ENTIYOT BO'LING, FURIBGAR!

ЁЛГИЗ хариддоринг бўлай...

Кимё фани ўқитувчиси, беш дақиқаси кам аспирант Бахтиёр Қодиров бир куни Самарқанд телеканалда сотиладиган уйлар ҳақидаги эълонни эшитиб қолди. Тезда қалам-қоғоз олиб, улгурганича эълондаги манзилларни оққа кўчириб олди. Эртаси кунни қозони олиб, йўлга тушди: «Аввал яқинроғидан бошлай қолай...»

Самарқанд шаҳридаги хонадонлардан бирининг қўнғироғи узлуксиз жиринглади. Эшикни рус жувони қия оварди.

— Кечирасиз, кватирга сотилади деб эшитдик...
Жувон йиғитга бошдан оёқ разм солгач, эшикни каттароқ очиб йўл берди:

— Ҳа. Агар келишолсак...

Бахтиёр хоналарни, шунингдек қаерда нима, қандай жиҳозлар турганигача синчиклаб ўрганди.

— Ҳа, чакки эмас. Менга ҳам айнан шундай кватирга керак эди.

Нархи келишилгач, «харидор» бенгли табассум билан уй соҳибаси Эльвира Куриловага қўл узатди:

— Мен розиман. Энди қўлингиздан қайноқ чой ичсак ҳам бўлади.

Эльвира чой дамлаб, меҳмонга келган қариндоши Тамара Иглайнинани ҳам чорлади.

— Мени Боря деб атайверинг. Дарвоқе, чойни мен сузайин. Ахир, сиздек қизларга хизматда бўлиш шараф.

«Боря» чойни қайтарар экан, устамонлик билан чойнакка бир қафт мохоркани солиб юборди. Иккинчи чойнак чойни ўзи дамлаб келди. Чойхўр жувонлар қўп ўтмай хомуза торта бошлашди. Бир рюмкадан ичилган коньяк ҳам шу турида қолди. Улар уйқуга кетгач, бирин-кетин суюб, тўшакка ётқизилди. Бахтиёр вақтни ғанимат билиб, нимаики қўлга илинган бўлса, ҳаммасини, яъни 401.718 сўмлик мол-мулкни олиб, ғойиб бўлди.

Бироз муддат ўтиб, шаҳарнинг Акмал Икромов кўчасида яшовчи Анна Сизиковаларнинг эшик қўнғироғи жиринглади. «Харидор» барча муҳим жиҳатларни ўрганиб бўлгач, тилга кирди:

— Бўлди, олганим бўлсин. Ке-

да савдонни пиширайлик.

Анна Евдокимовна шошиб-пишиб дастурхонга уннади. «Шошманг, чойни эркак киши сузгани яхши бўлармиш». Пайтини толиб, чойнакка мохоркадан уриб юборди. Ўзи дамлаган чой эмасми, мезбон таъми ёқинқирамас ҳам ичаверди. Сал ўтиб Бахтиёр уйқуга кетган аёлни тўшакка узатди-да, уйни шип-шыйдон қилиб, 431.916 сўмлик мол-мулкни олиб жуфтакни ростлади.

Пихини ёрган йиғит ҳар бир манзилни ғорат қилиш ниятида борганида ўзини янги ном ва бошқа манзил кишиси қилиб кўрсатарди. Кўп ўтмай шаҳарнинг Боғишамол кўчасида яшовчи Л. Муратова харидор никобиде келган Б.Қодировга 505.000 сўмлик, Хотира кўчасида яшовчи Р.Войкина 355.200 сўмлик, Гагарин кўчасида яшовчи В.Коробко 133.214 сўмлик мол-мулкни ўғирлатишиб, бармоқларини тишлаганича қолаверди.

Иши тобора «юришиб» кетаётган устамон ўзини янада эркин тутиш билан бирга, майда-чуйда нарсаларни писанд қилмай қўйди.

У бадавлат хонадонларга ўтишни мўлжаллаб бошлади. Шаҳардаги Жалол Қудук кўчасида ёлғиз ўзи яшовчи Рая Ақопованинг хонадонини унинг учун айни муддао кўринди.

Р.Акопова 74 яшар аёл бўлгани билан анча тетик, басавлат аёл эди. Уни мохоркали чой ҳам, иккига бўлиб ичилган бир шша коньяк ҳам қарахтлай олмади. Талончининг эса шунча бойликни қўлдан чиқариш қайғуси ўртарди. Шунда у қалтис қарорга келди. Пайт поймаб кампирнинг бошига ёғоч стул билан уриб, полга йи-

қитди. Беаёв тепки ва кетма-кет зарблардан кейин ҳолсиз кампирнинг юзига ёстиқ тутилди...

Қотил 2.820.000 сўмлик тилла ва бриллиант тақинчоқлар ва 150.000 сўмлик «Мадонна» сервизини олиб, воқеа жойини тарк этди.

Ҳақиқат барибир юзага чиқди. Қалаваниннинг ҳар икки учи ўзини устамон ҳисоблаган Б.Қодировнинг оёғига бориб илинди. У суд ҳукми билан 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Азимжон ЭШОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори



BIVONVANDLIK — ILLAT

Ўн йил муқаддам у бинойидек одам эди. Автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ўғли учинчи, қизи биринчи синфда ўқирди. Хотини шифохонада ҳамширалик қиларди. Рўзгори бекаму кўст, ҳавас қилгудек. Озроқ пул йиқчанд, енгил машина сотиб олишни мўлжаллаётганди. Маҳалладаги тўйлардан бирида озгина ароқ ичгач, улфатларидан бири «тортиб хузурланаётган» «рамдан» сўраб олди. Кайфу сафо оғушида ўзини кўшдай енгил хис этди. Шу-шу оз-оздан «тортиб» туришга одатланди. Наҳа чеки, рудла бораётганида, юк машинаси йўлдан чиқиб, пастлика ағанади. Кабинада бир ўзи эди, омон қолди. Топган-тутганини ремонтга сарфлади. Енгил машина олиш орзуси саробга айлангач, аламига узлуксиз наҳа чекишга берилди. Наҳа қор қилмай қолгач, «герсон»га ўтди. Хотини фарзандларини ўғайлаб чиқадди, мажбурий даволатишга уринди. Даволаниб ҳам гиёвандликни бас қилмагач, расмий ажрашди.

У ишидан, оиласидан жудо бўлгач ҳам ўзини қўлга ола билмади. Ховлида бемор отаси ва онаси билан турарди. Уларнинг пен-

сиясига чанг солиб, «героин» ишлашга тушарди. Ўша кунни ота пулини яшириб қўйди. Тўғрилиқча сўради. Ялиниб ёлворди, бермади. У жазавога тушиб, отасини аямая қалтаклади. Отаси ётган қаравот тўшақларини титкилаб пулни тоғди. Чалажон падарини ўз ҳолига ташлаб, «хуморбосдини» ишлашга жўнади.

Суд бедаво дардга чалиниб, ўз отасини

АКЛДАН ОЗДИРУВЧИ ОҒУ

ўлдирган қотилга тегишли жазо тайинлади. Бир пайтлар оилали, ўзига яраша обрў-эътиборли одамни ақлдан оздирувчи оғу падаркушга айлангирди.

Бошқа бир оғу қурбони — ўн олти ёшида тансатарлик қилиб, топган пулига героин олиб, шприц билан томтирига санчшига одатланган, вояга етмаган қизни беҳуш ҳолда шифохонага келтиришди. Кучли «доза» олган қизнинг ҳаётини асраб қолиш учун қилинган барча муолажалар бесамар кетди. Ҳушига келмай вафот этди.

Гиёвандлик оstonасидан ҳатлаб ўтган ёки унинг гирдобига тушганларни оғу билан таз-

минлаётганлар юқоридаги каби жофеали оқибатларни яхши билишади. Ажални пуллаш эвазига «тирикчилик» қилишади. Узлари каби бошқа бир оғуғуруш ўз фарзандларини ҳам бедаво дардга йўлқитириши эҳтимолини ўйлаб қўришмайди. Ана шундайлардан бири 55 ёшга кирган Нўъмонжон Амановнинг ҳам 4 нафар фарзанди бор. Муқаддам судланган, бироқ

тегишли хулоса чиқармаган. Фарғона шаҳридаги «Хосил» фермер хўжалиғида боғбон бўлиб ишлаб, гўё ёввойи наҳани қуриштиб, пулламоқчи бўлган. Шаҳар деҳқон бозорига ўн бўлак наҳани пуллаётганида қўлга тушган. Н.Аманов илгари ҳам айнан гиёванд модда ўтказгани учун судланганди.

Марғилонлик Муқимжон Илёсов ва унинг жиноий шериги, Охунбоев тумани Солижон-обод қишлоғида яшовчи Абдуқамол Ҳақимовлар ҳам эллик ёшдан ўтган, муқаддам судланган, гиёванд модда ўтказиш оғир жиноятлар сирасига қиришини яхши билишади. А.Ҳақи-

мов далада ўсган ёввойи наҳани йиғиштириб, уйда қуриштиб, «марихуана» тайёрлайди. Таниши М.Илёсов «марихуана»ни пуллаш учун харидор топиб беришни зиммасига олади. Ҳамтовоклар 250 грамм гиёванд моддани 120 минг сўмга сотишга келишиб, 100 минг сўм пулни санаб олашгаётганида хибсга олинди. М.Илёсов-ку оиласидан ажрашган, беш нафар фарзанди А.Ҳақимов ушбу оғуни ўз болаларига раво кўрармикан?!

Суд нашафуршуларга тегишли жазо тайинлади.

Вилоятда ҳар йили гиёванд моддали ўсимликларни етиштиришнинг олдини олиш учун «Қора дори» тадбири ўтказилапти. Натижада гиёванд моддани етиштириш ва ўтказишга оид жиноятлар бир мунча камайди. Ёшларни бу оғаддан асрашнинг яна бир воситаси — бўш вақтларни фойдали машғуллотлар билан ўтказиш борасида оила, маҳалла, ўқиш жойларига ўзаро ҳамкорликни жонлангиртириш лозим.

Ф.ЙИГАТЛИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

UCHRASHUV

— *Кўрсатув гоёси кимдан чиққан? Унинг ташкил этилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.*
 — Дастлаб бошқачароқ кўрсатув қилмоқчи эдим. Судда кўрилган бир ишни олиб, судя, терговчи ҳамда иштирокчилар билан муҳокама қилишни режалаштириб юргандим. Ниятимни раҳбариятга айтган эдим, Хуршид Даврон мана шу гоёни берди. У кишининг ташаббуси билан кўрсатувни ўзгартирдик. Унга кўра, интеллектуал ўрин ташкил қилинди. Аммо кўрсатув ўз-ўзидан бўлмайди. Унга декорациялар қилиш керак эди. Биргина саҳна кўриниши учун жуда кўп югурдим. Тўғриси айтсам, кўпчилик «Бўлмайдиган нарсага югуриб нима қилсан» дейиши. Мен мақсадимдан

тўхтаб қолди?
 — Тақдир шу экан. Буни бошқача изоҳлай олмаيمان. Одамлар ўзи тушуниб олади.
 — *Бошқа интеллектуал кўрсатувлардан устун жиҳати нимада деб ўйлайсиз?*
 — Билмадим, мен кўрсатуви-мизни бошқаларидан устун дея олмаيمان. Яхшими-ёмонми, бунга томошабин билади. Назаримда эса, устун томони йўқдек.
 — *Одамларни жиноятлар,*

ҳазинабонга юклар қўя қолдик. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардим: одамлар кам ўқийди, жуда кам. Кейинги пайтда ўзим ҳам кам ўқийдиган бўлиб қолдим. Майда ташвишларга ўралашиб қолаймиз. Шунинг учун ҳеч бўлмаса ривоят эшитишса, шунинг ўзидан ҳам фойда олиб қолармикин деймиз-да.
 — *Баъзи жавобларни эшитиб истеҳзо билан муносабат билдирасиз. Бу жавобдан*

туриши, эфир юзини кўриши уларнинг ёрдами билан бўлган. Улардан доимо миннатдоримиз. Шунингдек, «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, «Мир» шарбатлари ўз ёрдамларини аяшмаяпти.
 — *Баъзи журналистлар яхши кўрсатув қилмай туриб ҳомий қидиришади. Аслида яхши нарсанинг харидори кўп бўлади, уни излашга ҳожат қолмайди. Кўрсатуvingизга*

лекин амалга ошмаган.
 — *Нега кўпроқ йигитлар иштирок этишади, қизлар кўринмайди? Ахир, ҳуқуқшунос қизлар ҳам кўп-ку!*
 — Кўрсатуvingизда ҳеч нарса чегараланмаган. Йигитлар мумкин, қизларга мумкинмас, деган гап йўқ. Аввал академиядан қизлар ҳам келишарди, негадир кўринмай қолиши. Агар қатнашаман дейишса, марҳамат.
 — *Вилоятлардаги ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?*

ТВда интеллектуал кўрсатувлар кўпайиб қолди. «Заковат», «Интеллектуал-ринг», «Иқтидор» қаторида «Қилни қирқ ёриб»нинг ўрни бўлакча. Бўлажак ҳуқуқшунослар-детективларнинг қизиқарли баҳс-мунозаралари томошабини бефарқ қолдирмайди. Чиндан ҳам кўрсатуving ўзига хос жиҳатлари кўп. Айниса, кўрсатуving ривоят билан бошланиб, ҳулоса билан яқунланиши унга ўзгача файз бағишлайди. Бугунги сўхбатдошимиз «Одамлар орасида»н «қилни қирқ ёриш»га ўтган Икром УЛУҒБОЕВ.

Икром УЛУҒБОЕВ:

ОДАМЛАР ШОВ-ШУВГА УЧ




уларнинг тафсилоти, очилиши қизиқтиради. Эҳтимол шу жиҳатдан томошабини ўзига тортар?
 — Бир нарсани унутманг, одамлар шов-шувга жуда ўч бўлади. Ундан кейин қизиқарли, фикрлашга ундайдиган нарсалар ҳамиша одамларнинг диққатини тортиб келган.
 — *Кўрсатув иштирокчилари оддий саволларга жавоб топишга қийналишади. Ваҳоланки,*

улар бўлгуси ҳуқуқшунос, детективлар. Бунга қандай изоҳлайсиз?
 — Оддий ҳол бу. Бўлиши мумкин-ку, иштирокчи кўп билади-ю ўша пайтда тополмайди ёки шу нарса фикрига келмайди. Бу билан уларни айблаб бўлмайди. Бунақа ҳолат ҳаммада бўлади. Масалан, бир танишингизнинг исмини ўйлаб турасизу, тилингизга келмай қолади. Ёки ўзингиз зўр гапирасиз, нотиксиз, аммо бирор даврада сизга сўз беришса гап тополмай қола-сиз. Бу ўйинда бунақа воқеалар кўп бўлади. Ҳаяжон босади-да, атрофда камералар, микрофонлар... Баъзи иштирокчилар уста бўлиб кетишган. Чунки кўп қатнашиб, мослашиб қолишган.
 — *Ҳазинабонингиз кўпроқ допишманда ўхшайди. Бошида ривоят ўқиб турган киши, кўрсатувда пул олиб чиқиб берса қизиқ кўринаркан...*
 — Шу пайтгача бунга аҳамият бермаган эканман. Ҳазинабон образини киритишимиздан мақсад, кўрсатув бошида одамларга керак бўладиган ривоят айтса, таъсири катта бўлади. Айримларга оддий нарсани бир соат гапириб тушу-тира олмаслигингиз мумкин, лекин бир дақиқалик ривоят ўқиб берсангиз қизиқиб эшитади. Шу билан ўзига нимадир олиши мумкин. Пулни ҳам кимдир олиб чиқиши керак эди, бу ишни

қониқмаслигингизми ёки...
 — Ҳеч кимга ҳеч қачон истеҳзо қилмайман. Кўпчиликка шундай туюлса керак. Мен ҳар бир жавобга оддий қарайман. Эҳтимол кўринишим шундай тасаввур уйғотар. Масалан, мени бу одам ҳаётда ҳеч қуладимикан, деб қўйишади ёки ҳаждор деб ўйлашар экан. Инсонни юзига қараб туриб билиш мумкин эмас.
 — *Талабалар нотўғри жавоб беришса, гапини бўлиб гап қўшасиз-ку.*
 — Баъзида нотўғри тушунишаркан, бунга кўрсатув яхши бўлиши учун қиламан. Битта нарсани унутмаслик керак. Кўрсатув менинг чиқишим ёки талабаларни пул ютиб кетиши учун ташкил этилмаган.
 Масалан, биз уларни таклиф қилдик, савол бердик, жавоб беришди, ютишди. Шу билан кўрсатув бўлмайди-да! Мен уларга қарши савол беришим, улар жавоб бериши керак. Уртада мунозара бўлса, кўрсатув жонлироқ чиқади. Биз кўрсатуving яхши бўлиши учун ҳаракат қиламиз. Монтжада кўп нарса олиб ташланади. Съямка

бошқалар ҳам ҳомийлик қилиш истагини билдиришганми?
 — Биз кўрсатувга қанча ҳаражат кетса шуларни топсак бўлди. Мен ундан ортиқ ҳаражат қилмайман ҳам, ҳомий ҳам қидирмайман. Ҳомий топиш мумкин, аммо мақсадимиз катта ҳомий топиш ва пул эмас. Битта кўрсатувга етарли маблағ бўлса бўлди. Бизга бошқалар ҳам ҳомийлик қилиш истагини билдиришган. Лекин кўпчилигининг шартлари менга маъқул келмади. Бунинг устига ҳамма нарса конун доирасида бўлиши керак. Масалан, спиртли ичимликлар, сигаретларни реклама қилиб бўлмайди.
 — *Нима учун айнан «Қилни қирқ ёриб...»?*
 — Дастлаб «Детектив-клуб» деб ном қўйгандик. Раҳбарият кўриб чиқиб бу ўзбекча ном эмас, бошқа ном топинлар, дейишди. Кейин ўзлари «Қилни қирқ ёриб...» деб аташди.
 — *Кўрсатув аудиториясини кимлар ташкил этади?*
 — Асосан Тошкент Давлат юридик институти, ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбеки-

қайтмадим. Икки йил югуришни тасаввур қилиб кўринг.
 Одам бир нарсага қаттиқ бел боғласа амалга ошириши мумкин экан. Фақат умид узмаслик, ҳафсаласизлик қилмаслик керак. Мана, насиб қилган экан эфирга чиқди. Дастлаб Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг наشري «Хуқуқ оламида» ва «Диёнат» газеталари катта ёрдам берди. Айниса, газетанинг бош муҳаррири Шўхрат Дехқоновнинг хизмати катта бўлди. Ниҳоят, ишлар юришиб, қийинчиликлар орта қолди.
 — *Бундан қандай мақсадни кўзлагансиз?*
 — Ниятимиз одамларга бирор нарса бериш. Кўп кўрганман, турли идораларнинг эшигида соатлаб сарғайиб туришда. Ёки ишнинг битиролмай (айб ўзида бўла туриб), ҳуқуқни билмаганлиги сабабли ҳақиқат йўқ экан, дея кўп силтаб юрган одамлар бор. Шуларни кўриб, шу кўрсатуvingни ташкил қилганман. Қонунни ўрганса, озгина ҳақ-ҳуқуқини таниса одамлар! Керак пайтда кимга мурожаат қилиш керак, аризани қандай ёзиш кераклигини билишларини истардим.
 — *Аввал «Одамлар орасида» номли кўрсатуvingиз эфирга чиқиб кўпчиликнинг эътиборини тортганди. Нима учун*



вақтида яхши гапира олмаган, изза бўлиб қолган болалар бўлади. Монтж жараёнида унинг обрўсини ўйлаб шундай кадрларни тозалаб, олиб ташлаймиз.
 — *«Хуқуқ оламида» ва «Диёнат» газеталари ҳомийлиги нимадан иборат?*
 — Улар бизга катта ёрдам беришган ва ҳозир ҳам беришмаяпти. Дастлабки йилларда кўрсатуvingнинг оёққа

стон Миллий университети, Педагогика университети, Ислому университети, солиқ академияси талабалари.
 — *Кенгайтириш учун ҳаракат қилмайсизми?*
 — Турли ёшдагилар биланми? Бунга уриниб кўрганмиз. Масалан, профессионалларни, ҳуқуқий идорадагиларни жалб этмоқчи бўлдим. Аммо уларнинг қатнашишига кўзим етмайди. Бир-икки таклиф қилганмиз,

лар, бир-икки марта Наманган университети талабалари келиши. Самарқандликлар келиб турибди. Марҳамат, келиб қатнашишсин, ҳеч қандай тўсиқ йўқ.
 — *Келаятган мактублар ҳақида ҳам тўхташасиз. Бу саволларни оддий одам тузиши қийинроқдек...*
 — Нега энди?! Хоҳлаган саволнингизни олинг, сизга кўрсатишим мумкин, оддий одамлардан келган. Навбатдаги май ойи кўрсатуви учун икки кунда 100 та хат ўқидим. Улар орасидан зўрға 19 тасини ажратиб олдик. Улардан ҳам 4 тасини ўйинга қўйдик, холос. Демак, 100 та хатдан 4 таси яроқли деб топилди. Биз савол эгаларини билмаймиз, оддий одамларми ёки мутахассисми?
 — *Баъзи саволларнинг жавоби мантқиқий бир хил, айниқса, ривоятнома саволларда ундай деб жавоб берса ҳам тўғри, бундай деса ҳам... Аммо бу ҳисобга олинмайди?*
 — Нега?! Жавоб шу-да, савол меники бўлмаса! Саволни муҳлис берган, жавобни мана шу деб ёзиб қўйган бўлса. Иштирокчиларнинг берган жавоби билан мактубдаги жавоб мос келмаса, савол йўллаган муҳлис «мен жавобни бундай деб ёзиб қўйганман. Сиз нега тўғри дедингиз» демайди-ми?
 — *Ниҳоят ўзингиз ҳақиқингизда.*
 — 1986 йил мактабни олтин медалга тамомлаб, Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ) журналистика факултети-га ўқишга кирганман. Аввалига менга юрист бўл, дейишганида «журналист бўламан» деганман. Кейин ҳарбий хизматга бориб келдим. Иш фаолиятини республика радиосида бошладим. «Сўнгги ахборот» редакциясида «Оқшом тўлқинларида» деган эшиттиришни тайёрлар эдим. Кейин «Ёшлик» радиостанциясида «Камалак» деган эшиттириш бўларди, унда ишладим. 1996 йилдан ТВга ўтиб «Одобнома», «Одамлар орасида», «Иймон», «Табобат оламида» каби кўрсатувлар устиди ишладик. «Ёшлар» канали ташкил этилган, унга ўтдим. Шахсий ҳаётимга келсак, уйланганман, бир ўғил, бир қизим бор.

Соҳиба ХАЙИТБОЕВА сўхбатлашди

ТАБИАТ ВА БИЗ

Турналар... Бу хислатли жонзот ҳақида минг йиллардан буюн қанчадан-қанча битиклару ривоятлар тўқилмаган. Биз инсонлар уларнинг сир-синоатли ҳаракатлари-ю ҳолатлари олдида доимо лол қоламиз.

Зеро, Оллоҳ инсонга бетимсол бойлик — ақл-заковат ато қилган. Бироқ орамизда шу беозор қушчалик интизомга, бегуборлигу, сабот ва матонатга эга бўлмаган баъзи бир инсонлар борлигидан афсус чексан киши.



Турналар пастлаб учганда...



бокиб. Шунда бу сўзининг маъносига унчалик тушунмаган биз ёш жангчилар отахонларга савол назари билан боқдик. «Ҳа, укаларим, биз сўзсиз галаба қиламиз. Чунки, турналар пастлаб учаяпти. Бо-болардан кўп нарса эшитганимиз, агар бу жонивор пастлаб учса, йил хайрли келади» дейишган.

Бирогиз хушхабар у қабоҳатли йилларда

Музработлик иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, саксон ёшли Хурсан бобо Қайюмов бир ҳикоя айтиб қолди.

— 1944 йилнинг баҳори эди. Душманни Берлин сари изма-из қувиб борардик. Гарчанд, ўқ овози тинимсиз эшитилиб турса-да, бир саф турна пастгина учиб ўтди. Шунда кўпни кўрган кекса жангчилар «Биз галаба қиламиз» деди қушларга

нондек азиз эди. Шунинг учун ҳам барчамиз бир бўлиб «айтганларингиз келсин» дея қуролларимиздан қўққа ўқ отдик. Гумбурадан ўқ овози дашт далани тутиб кетди... Дарҳақиқат кекса жангчилар айтганидек, йил хайрли келди. Биз кўп ўтмай галаба қилдик. Бу ҳолат ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди.

Хурсан бобо яна бир ҳикояни айтиб берди:

— 1930-33 йилларда юртимизда шундай очарчилик бўлдики, унинг совуқ нафаси ҳар бир хонадонга кириб борганди. Ҳаром ўлган уй хайвонларидан кўпчилик ҳазар қилмасди. Бир неча кун ва бир неча ҳафта бурун ўлган хайвон гўшти оч ва юпун кимсаларга поримас. Аксинча, касалга чалинтарарди. Икки-уч йил ҳосил ҳам яхши бўлмади. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. 1934 йилнинг баҳорида, хайрли бир оқшомда тоғ қишлоғимиз — Яккатолнинг устидан турналар шу қадар пастлаб учдики, ҳатто бальандроқ ўсган чинор, ёнғоқ сингари бўйчан дарахтларга қушлар галаси тегай-тегай деди. Қушларнинг пастлаб учиши бир неча ҳафта давом этди. Кекса онахон ва отахонлар ҳолсизгина чапак чалиб қолишди. Уларнинг айтишича, турна пастлаб учдики, демак фаровонлик бўларкан. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай, дехқонлар ўроққа чиқиб кетишди. Ҳосил чунонам мўл бўлди. Одамларнинг оғзи нонга теғди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Яқин йилларда ҳам бу жонзотнинг пастлаб учиши ҳазратилганда ҳосил мўл бўлгани, фаровон турмуш юзага келгани, ҳатто мустақилликка эришилганини ҳам кўпчилик катта ёшдаги кишилар фахр ила шу беозор қушга йўйиб, айтиб

юришади. Ҳа, турна хислатли қуш эканлигига шак-шубҳа йўқ. Йилонли ва эътиждодли халқимиз минг йиллардан буюн бунга ишонч ҳосил қилишган.

Лекин, шунга қарамай орамизда бу хислатли жониворга ёмон кўз билан қарайдиган, иложи бўлсан унинг гўштидан тановул қилишни хуш кўра-

нинг топшириғи билан машҳур бир бригадирнинг даласида хизмат қилдим. Бригадир чигит эқдирарди. Шу пайт бир гала турна пастлаб уча бошлади. Бригадир милтиқни олди-да «бошловчи турнанинг кўзидан отайми?» деб қолди. Ҳангоматалаб бир неча ёшлар «отолмайси!» дейишди. У отди. Ҳақиқатдан ҳам турналар йўлбошловчиси ўн-ўн беш қадам нарига гурс этиб қулади. Ёшлардан бири югуриб бориб, ўлик турнани олиб келди. Ўқ турнанинг кўкрағига теккан бўлса-да, икки кўзи шокосасидан отилиб чиққан эди. Тўғриси, бу фожеага чидай олмай йўглаб юбордим. Менга қўшилиб бир неча ёш-яланглар ҳам кўз ёши тўкишди.

Ҳа, инсон очликка чидаши мумкин, бироқ қабоҳатга чидай олмайди. Ёшли кўзларимни беихтиёр саммога тикдим. Не кўз билан кўрайинки, сардоридан жудо бўлган турналар кўкда гир айланиб гўё садр тушарди. «Ё алпазас, дедим ички бир нидо билан, фожеани қушлар ҳам аёнлар экан-да!»

Алқисса, ўша йили ҳалиги «мерган» бригадирнинг на пахтаси, на ғаласи бўлди. Режасини удаллай олмай шарманда у шарминсор бўлди. Кўп ўтмай не бир мусибатларга йўлиқди. Мен бунинг гувоҳи бўлганман. Евузликка жавоб эди бу!

Маълумки, бу йилги баҳор бир мунча инжиқ келди. Дехқончилик учун қанчалик машаққатли дамлар кечаётди. Лекин, шунга қарамай, эътибор қилган бўлсангиз, бу йил ҳам турналар пастлаб учди. Аввало турналарнинг пастлаб учгани рост бўлсин! Элимиз тинч, осмонимиз мусоффо, жирмонимиз сарбаламиз бўлсин, деймиз.

Турналар... Қаранг улар нақадар ўқтан, нақадар интизомли. Аскарлардек саф тортиб илиқ ўлкаларга учиб кетаяпти. Қанотлари бирам чиройли, ҳатти-ҳаракатлари бирам назокатли. Ҳа, улар пастлаб учаяпти. Бунақа олам-олам маъно ва химмат борга ўхшайди.

Абдимуин АБДУРАСУЛОВ, Сурхондарё вилояти

ЎАЛАТИ ҚОНУНЛАР

Ваннада эшакка нима бор?

Сизнингча, Калифорнияни портлатиш неча пул туради? Саволимизга ажабланманг. Ушбу штат қонунлар мажмуасида ёзилишича, шаҳарда ядро зарядини портлатганик учун 500 доллар жарима солиниши лозим. Умуман олганда ғалати қонунлар буйича Калифорния Америкада биринчи ўринда туради.

Мақсуд штатда қовбой ботинкаларини иккита сигирни бўлмаган кишининг кийиб юриши мумкин эмас. Яна, судда кўрсатма бераётганда йўлғаш ҳам ман этилган. Бақа ва қурбақаларни ялаш қонунга мувофиқ тақиқланган. Ички кийимда машина ювганингиз учун сизни жазога тортишади.

Айдахо штатида тўя устида ўтириб балиқ овлаш мумкин эмас. Жуда қизиқ-а? Навбатдагиси бундан ҳам қизиқ. Аризонада эшакни ваннахонада ухлатсангиз, жарима тўлашга мажбурсиз.

Ню Орлеанда тимсохларни водопровод кранларига боғлаш тақиқланган.

Техасда меҳмонхонанинг иккинчи қаватидан бизонларга ўқ узиш мумкин эмас.

Алабама штати қонунларига кўра, кўзи боғлиқ ҳолда машина хайдаган киши жаримага тортилади.

Миннесотада яланғоч ҳолда ухлаганингиз учун турмага тушишингиз мумкин.

Аляскада айиқларни суратга олиш учун уйғотиш, тирик бугуларни самолётдан ташлаш тақиқланган.

Оклахомада итларнинг ҳурмати баланд бўлса керак. Нега десангиз, у ерда итларни мазаҳ қилиш мумкин эмас. Даравоқе, бегона юрда қамоққа тушишни хоҳламасангиз, ҳар қанча оч бўлсангиз ҳам биронинг гамбургеридан тишлашга ҳаракат қилманг. Акс ҳолда...

Дилафрўз РАЖАБОВА тайёрлади

АЖАБ ДУНЮ

КУНДУЗИ ОЗОД, ТУНДА ҲИБСА

1888 йилнинг ёзида денгиз соҳилдаги кичик қурутда сирли ўлим ҳодисаси юз берди. Париждан келган савдогар ётишдан олдин чўмиб келмаган деб чиқиб кетиб, қайтиб келмайди. Эртасига унинг жасадини соҳилдан топишади. Кийимлари эса бир четда тахланган ҳолда турарди. Париж полицияси шаҳарда донги кетган изқуварга телеграмма юбориб, воқеа содир бўлган жойга тезда етиб келишини иттимос қилади. Роббер Ледрю воқеа содир бўлган жойдан уч километрлик масофадаги қурутда дам олаётган экан.

Ледрю ўлик топилиган жойга етиб келди-ю, лекин жиноятни исбот қиладиган бирон далил тополмай боши қотди. Чунки марҳум савдогарнинг кийимлари жойида. Думгани ҳам, меросхўри ҳам йўқ. Ледрю савдогар ўлдирилган жойининг атрофини ўраб, жиноят изини топиш мақсадида ҳар бир қарич ерни синчиқлаб текширишга киришди. Изқувар қош қорайи-ганда ҳам фонар ёруғида ишини давом эттирди ва қўқисдан эсанки-

раб қолди...

У туни билан кўча санғиб чиқди, тонг отач, полиция маҳкамасига бориб:

— Мен жиноятчини топдим, — деди ҳорғин овоз билан. — Мана, жиноятнинг излари. Эътибор беринг-а, жиноятчи оёқланг бўлиб, унинг чап оёғида бош бармоғининг бир бугини йўқ экан.

Ледрю шундай деди-ю, энгашиб, чап ботинкасини ечиб оёғини кўрсатди. У болалигида чап оёғининг бир бугинидан ажраганди. Ледрюнинг иши судга оширилди. Унинг ҳимоячиси Ледрю фақат улаганди, яъни касали хуруж қилгандагина хавфли, кўндузи бошқалардек сонпа-соғ эканигини судда исботлади. Ҳимоячининг бу сўзи Франция судлов тарихида кўп шов-шуга сабаб бўлганди.

Суд Ледрюни умрбод қамқоқ жазо-



сига ҳукм қилди. Лекин у кун чиқиб ботгунна озодликда ўз иши билан машғул бўлиб, фақат кечасигина қамқоқда ётиши шарт эди.

Ледрю одатдан ташқари бу жазонинг эзлик бир йил ўтади ва 1939 йили қамқоқда ўз ажали билан вафот этди.

Фарҳод ПИРМАНОВ тайёрлади

Ўстаниларнинг охирати овод бўлсин!

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси Асака туман прокурори Султонбек Юлбарсовга онаси ҚИЗЛАРХОН эсининг вафоти муносабати билан кўчур таъзия билдиради.

HUQUQ yuridik gazeta To'rtinchi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abdullolq ABDURAZZOQOV Tahrir hey'ati: Bahridin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirmol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'nb vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Maxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-82-34, 133-64-72. E-mail: Info@huquq.uz. Faks: 133-64-85, 133-10-53. Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganida «HUQUQ» dan oldingi ko'rsatkichi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi. Buyurtma G — 561.14584 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyati kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbarchi muharrir: J.SHAROFBOYEV Musahhili: A.MUSTAFOYEVA Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftana chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirish: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8